

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

моддаларининг мембранали гидролизи ва сўрилиши	187
Н.Полвонов	
Мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш сиёсатида мол-мулкни мусодара қилишга бўлган муносабат	189
О.А.Yuldashev	
Сиёсий партиялар ва ҳукумат идоралари	192
И. Исмаилов	
Қўқон хонлиги Маллахон Ибн Шералихон даврида (1858-1862)	195
Р. Дусчанов	
Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг солиқ сиёсати (1950-1970 йиллар мисолида)	198
Р. Джураев	
1917-1941 йилларда Ўзбекистонда чорвачиликнинг аҳволи (от ва йилқичилик мисолида)	202
М.Темирова	
Халқ ҳаётида радиодастурлар ролининг ошиб бориши ва уларнинг ғоявий-маънавий функциялари (1927-1991)	205
О.Халилов	
Мустақил Ўзбекистон ва Хитой халқ республикаси ўртасидаги муносабатлар тарихий нуқтаи назардан	209
Д. Камбарова	
Инглиз тили дарсларида ахборот воситаларидан фойдаланиш	212
Қ.Кахаров	
Германияда маданиятлараро нутқий этикет муаммолари	214
Ф. Дадабаева	
А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида диалог таржимаси	217
Г. Азамжонова	
Шукрулло ижодига Жаҳон ва рус адабиётининг таъсири	220
Н.Мерганова	
Талабаларнинг хорижий тилда оғзаки нутқини ўстиришнинг педагогик усуллари	224
М.Қаҳҳорова, З.Мухаммаджонова	
Чет тили дарсларида ижтимоий шаклларнинг аҳамияти	227
А.Х.Зинатуллина	
Француз тили дарсларида қўшиқлардан фойдаланиш	230
Ф.Анварова	
Жаргонларнинг нутқимизда тутган ўрни ва вазифаси	233

УДК:

ГЕРМАНИЯДА МАДАНИЯТЛАРАРО НУТҚИЙ ЭТИКЕТ МУАММОЛАРИ

ПРОБЛЕМЫ МЕЖКУЛЬТУРНОЙ РЕЧЕВОГО ЭТИКЕТА В ГЕРМАНИИ

INTERCULTURAL SPEECH ETHICS PROBLEMS IN GERMANY

Қ.Кахаров¹¹Қ.КахаровФарДУ, немис ва француз тиллари кафедраси
ўқитувчиси.**Аннотация**

Мақолада Германия давлатида кўп маданиятлик ва нутқий этикет масалаларининг тутган ўрни, тилшунос олимларнинг бу масалага муносабатлари ҳақида атрофлича фикр юритилади.

Аннотация

В данной статье всесторонне обсуждается роль мультикультурализма и речевого этикета в Германии и отношение лингвистов к этому вопросу.

Annotation

This article comprehensively discusses the role of multiculturalism and speech etiquette in Germany and the attitude of linguists to this issue.

Таянч сўз ва иборалар: мультикультурализм, монокультурализм, нутқий этикет, интеграция, бегоналик, маданиятлараро компетенция, маданиятлараро тўқнашув, мулоқот, мухожирлар.

Ключевые слова и выражения: мультикультурализм, монокультура, речевой этикет, интеграция, отчуждение, межкультурная компетентность, межкультурный конфликт, общение, мигранты.

Key words and expressions: multiculturalism, monoculture, speech etiquette, integration, alienation, intercultural competence, intercultural conflict, communication, migrants.

Маълумки, маънавият тилдан, тил маданиядан бошланади. Тилнинг мавжуд барча воситалари ва уларнинг имкониятларидан мақсадга мувофиқ тарзда ўринли, тўғри фойдаланган ҳолда тузилган нутқ маданий нутқдир. Кейинги йилларда нутқий этикетнинг турли хусусиятларини ўрганишга эътибор анча ошди. [1,35] Этикетнинг ўзига хос хусусиятлари нафақат тилшунослик, балки маданиятшунослик фанининг ҳам тадқиқот объектларидан ҳисобланади. Масалан, “Муомала маданияти” номли дарслиқда “Этикет – муомала маданиятининг замонавий кўриниши сифатида” ўрганилиб, этикетнинг турлари таҳлил этилган. [2,116]

Қуйида биз Германияда маданиятлараро нутқий этикет масалаларига тўхталиб ўтамиз. 2010 йилда Тило Саразин томонидан „Deutschland schafft sich ab. Wie wir unser Land aufs Spiel setzen.“ (Германия бекор қилади. Биз қандай қилиб мамлакатимизни ўйинга айлантирдик) номли китобида немис аҳолисининг шубҳали ўсишига, яъни, туб аҳоли ҳисобига эмас, балки четдан келганлар ҳисобига ўсишига ўз фикрларини билдиради. Китобда туғилишнинг камайиши ва қуйи қатламнинг ўсиши билан бирга Т.Саразин мусулмон давлатларидан оқиб келаётган мухожирлар муаммоларини атрофлича ёритиб беради. [3,46] Аввалига китоб жуда катта танқидга учради ва

чуқур баҳс-мунозараларга сабаб бўлишига қарамасдан, кейинчалик китобхонлар томонидан катта қизиқиш билан ўқилди. Чунки китоб кўплаб одамларнинг ўзгаиб бораётган жамият қаршисида иложсизлиги ва англаб бўлмас норозилиklarини очиқ-ойдин кўрсатиб берган эди. Саразиннинг тезислари айти ҳақиқат эканлиги ва исбот талаб қилмаслиги сабаб, 2010 йилда жамият томонидан қабул қилинади. Германияда деярли барчанинг диққат марказида бўлган “интеграция” ва “бегоналик” мавзуси баҳс-мунозараларга олиб келди. Барча Германия аҳолиси ҳам мухожирларга нисбатан ижобий муносабатда бўлмади. Ўзаро ажратиш ҳаракатлари содир бўла бошлади. Дрездендаги Пегида деб аталмиш уюшма томонидан ўтказилган намойиш айти пайтда бошқа шаҳарларда ҳам бўлиб ўтди. Намойишчиларга қулоқ солиш, ҳис-туйғуларга берилиш, мухожирларни Германияга қабул қилиш муаммоси, Германиянинг дунёдан ажралиб қолиш эҳтимоли кабилар аҳоли ўй- фикрларини чулғаб олган эди. Бунга қарши ўлароқ глобаллашув даврида Германияда малакали мутахассисларнинг етишмаслиги сабаб мухожирларга бўлган эҳтиёжнинг ўсиб бориши ҳам сир эмас эди.

Маълумки, Германияда 2006 йилда футбол бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати сабаб давлат дунёга ўз эшиklarини очиб,

меҳмондўстлик ва очиққўнгиллилик билан байрам қилар экан, маданиятлараро компетенция сиёсатда, иқтисодиётда, таълимда ўз ифодасини топди. Бу эса мамлакатнинг келажаги буюк, демократик жамият эканлигидан далолат берар эди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, маданиятлараро компетенция маданиятда, маданиятлараро мулоқотда, кўпмаданиятликда ва шу билан бирга хорижликлар билан мулоқотга киришишда намоён бўлади. Компетенция деганда, кишининг ижтимоий, хусусий (индивидуал), касбий, сиёсий қобилияти маданиятлараро мулоқот доирасида кўзга ташланади. Айтиш пайтда эса маданиятлараро компетенция тушунчаси дунё жамиятига кириб кела бошлади. Маданиятлараро компетенция тушунчаси фуқаролар ўртасида жуда катта аҳамиятга молик эканлиги Германиянинг Лена шаҳри кўчаларида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра маълум бўлди. Энг қизиғи шундаки, сўровномада маданиятлараро компетенцияни эгаллаш учун киши қандай хусусиятларга эга бўлиши керак деган саволга ҳам жавоб топилди. [4,135]

Маданият сўзи латинча *colore* сўзидан олинган бўлиб *яшамоқ, ғамхўрлик қилмоқ, безанмоқ, таълим олмоқ, сақламоқ, эҳтиёт қилмоқ, маънавий бой бўлмоқ, бунёд қилмоқ, қадрламоқ, итоат этмоқ ва байрам қилмоқ* каби маъноларни англатади. [2,11] Лекин, бизнинг фикримизча, юқоридаги талқинлар маданият тушунчасини тўлақонли очиб бермайди. Маданиятни ҳаётнинг барча жабҳаларидаги энг олий кўриниш сифатида қабул қилиш мумкин. 1970-йиллардан бошлаб Германияда ва дунёнинг бошқа мамлакатларида маданиятни англаш кишиларнинг фикрлашларида кескин ўзгаришларга олиб кела бошлади.

Маданиятлараро нутқий компетенция атамасини ишлатганимизда биз маданиятлар, яъни икки маданият ўртасидаги нутқий этикетни тушунишимиз лозим. Бу тушунчани турли маданиятга эга бўлган шахсларнинг турлича нутқий одат қарашларининг уйғунлашиши, десак ҳам бўлади. Турли нутқий муҳит вакиллари ўзаро учрашганда аниқ нима юз беришини олдиндан айтиб бўлмайди, аксинча, улар орасида бошқа бир номга эга бўлган оралик нутқий этикет пайдо бўлади.

Нутқий этикетнинг ўзига хослик хусусияти ва маданиятлараро тўқнашувлар ўзаро мулоқотнинг туб моҳиятини ўрганишни талаб қилади. Маданиятлараро мулоқот шунчаки лисоний нутқ эмас, балки ташқи кўриниши, имо-ишоралар орқали хабарларни қабул қилишдаёқ мулоқот бошланади. Немис тилшунос олими Шульц фон Тун алоқа юборишининг 3 жиҳатини

алоҳида таъкидлаб ўтади: 1. Ўзаро муносабатлар орқали хабар бериш, 2. Жозибадорлик, 3. Узини-ўзи ошкор қилувчи. [6,7]

Этикет - ахлоқий маданиятда яққол кўзга ташланадиган муносабатларнинг кўринишларидан бири. У кўпроқ инсоннинг ташқи маданияти, ўзаро муносабатларидаги ўзини тутиш қонун-қоидаларининг бажарилишини бошқаради. Агар муомала одобида инсон ўз муносабатларига ижодий ёндашса, яъни бир ҳолатда бир неча хил муомала қилиш имконига эга бўлса, этикет муайян ҳолат учун қоидалаштириб қўйилган хатти-ҳаракатни тақозо этади. Этикет кенг қамровли тушунча бўлиб, у маълум маънода умумбашарий миқёсда қабул қилинган муомала қонун-қоидаларини ўз ичига олади. [6,1]

Маданиятлараро мулоқот муаммолари озиқ-овқат, тил, санъат, мусиқа, кийим-кечак, қадриятлар, урф-одатлар, эҳтиёжларда намоён бўлади. Маданиятлараро муаммоларни гўё айсбергга ўхшатиш мумкин. Шульц фон Тун агар маърузачи ва тингловчиларнинг маданий келиб чиқиши бир хил бўлса, улар бир-бирини ўзаро осон тушунишини, агар маърузачи ва тингловчиларнинг маданий келиб чиқиши турли хил бўлса, ўзаро нутқий муаммолар келиб чиқишини алоҳида таъкидлайди. [6,19] Нутқий муаммоларни ҳал қилишда эса ўзаро савол бериш, муносабат билдириш ва оқилона таҳлил қилиш тушунмовчиликларни бартараф этишда муҳим роль ўйнайди.

Ўзининг нутқий этикети тажрибасига кирмайдиган ва ўзидан бошқасига хос бўлган нарса сифатида кўриладиган ҳар қандай нарса *бегона* деб ҳисобланади. Бундан келиб чиқадики, *бегона* атамаси ҳар доим субъектив ва нисбий характерга эга.

Тило Саразин ўз китобининг кириш қисмида шундай ёзади:

[...] *биз сизлардан тилимизни ўрганишингизни, Германияниг урф-одатларига мослашингизни ва вақт ўтиши билан немис бўлиб қолишингизни, агар бўлмасангиз, кечи билан болаларингиздан кутиб қоламиз. Агар сиз мусулмон бўлсангиз, майли. Шундай қилиб сиз бутпараст, протестант ёки католик немислар каби бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўласиз. Биз миллий озчиликни хоҳламаймиз. Ким турк ёки араблигича қолишни истаса ва буни болалари учун ҳам истаса ўзининг мамлакатида қолгани яхшироқ.* „[...] *wir erwarten von euch, dass ihr die Sprache lernt, [...] dass ihr euch an die Sitten und Gebräuche Deutschlands anpasst und dass ihr mit der Zeit Deutsche werdet – wenn nicht ihr, dann spätestens eure Kinder. Wenn ihr muslimischen Glaubens seid, o.k. Damit habt ihr dieselben Rechte und Pflichten wie heidnische, evangelische oder*

katholische Deutsche. Aber wir wollen keine nationalen Minderheiten. Wer Türke oder Araber bleiben will und dies auch für seine Kinder möchte, der ist in seinem Herkunftsland besser aufgehoben." [5,4]

Бундан шуни тушуниш мумкинки, Тило Саразин муҳожирларни вақт ўтиши билан немис бўлиб қолишини истаётган бўлса, Германияда биринчи навбатда кўпмаданиятлик ғоясига қарши эканлигини ва нутқий этикет жиҳатдан адолатли муносабатда бўлмаётганлигини таъкидлашимиз мумкин. Чунки Германияда яшаётган ҳар бир одам нутқий этикет, диний ва маданий жиҳатдан эркинликка эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт", деб белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, бундай имтиёзлар Конституциямизнинг бошқа моддаларида ҳам ўз аксини топган. [7,3] Бу жиҳатдан ҳар иккала мамлакатнинг давлат сиёсатида ҳам ўзаро уйғунликни кўришимиз мумкин.

Маданиятлараро мулоқот ўз ватанида яшаётган муҳожирлардан ташқари чет элга саёҳат, иш ва ўқиш билан боғлиқ хизмат сафари ёки халқаро бизнес алоқаларида содир бўлади. Албатта, ҳар бир бошқа мамлакатга кўчиб ўтмоқчи бўлган муҳожир, ўша мамлакатнинг қадриятлари, меъёрлари, нутқий этикети ва хулқ-атвор намуналарини ўрганиши лозим. Бу орқали эса маданиятлараро тўқнашувлар олди олинган бўлади ва ўша мамлакатга интеграция, яъни

мослашиш жараёни содир бўлади. Муҳожирлар ўз қадриятлари ва урф-одатларини сақлаган ҳолда ўша мамлакатнинг урф-одатлари ва қадриятларини ҳам ҳурмат қилиши лозим. Бугунги кунда Европа мамлакатларида мультикультурализм ибораси, яъни кўп маданиятлик кўп қўлланилаётганлиги маълум. Жамиятни кўп маданиятли деб таърифлашда турмуш тарзи турли маданиятдан ташкил топганлигига ишора қилинади.

Кўп маданиятли жамиятнинг учта тури мавжуд бўлиб, биринчи турда кўп маданиятлик статистик жиҳатдан мавжуд бўлади, лекин аслида бундай жамиятда монокультурал (ягона маданият), яъни яқка маданиятлик ҳукмрон бўлиб, ўз маданиятини ҳамма жойда расмий жиҳатдан тарғиб қилади. Озчиликни ташкил қилувчи маданият вакиллари эса ўзаро ўз маданиятларини сақлаган ҳолда яшайдилар.

Мультикультурализмнинг (кўп маданиятлик) иккинчи тури кенг тарқалган бўлиб, туб аҳоли томонидан ўрнатилган маданият маълум даражада устун деб ҳисобланади, бошқа маданият вакиллари эса маданий ўзига хосликларини сақлаб қолиш учун ҳаракат қиладилар.

Мультикультурализмнинг учинчи турида муҳожирлар туб аҳоли маданиятини қабул қилиб, айрим ўринлардагина ўз маданиятларини эсдан чиқармасликка ҳаракат қиладилар. Юқорида айтиб ўтилган йўллар билан тинч-тотув яшашга ҳаракат қилинади. [3,34]

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда дунё ҳамжамиятида кўп маданиятликка эга бўлган мамлакатларда тинч, осуда ҳаёт кечириш учун нутқий мулоқотнинг ўзига хос хусусиятларини алоҳида ўрганиш, тадқиқ этиш долзарб масалалардан биридир.

Адабиётлар:

- 1.Тешабоева Д. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида): Филол.фан.доктори...дис. автореферати. – Т., 2012.
- 2.Хусанов Б., Фуломов В. Муомала маданияти. – Т., 2007.
- 3.Bode, Kim u.A: Es gibt viele Sarrazins. In: Der Spiegel. 36/2010, S. ff.
- 4.Bolten, Jürgen: Interkulturelle Kompetenz. Erfurt: Landeszentrale für Politische Bildung, 2001.
- 5.Klingholz, Reiner: Ausländer hier. In: Der Spiegel. 35/2010, S. 135 ff.
- 6.Schulz von Thun, Friedemann: Das Kommunikationsquadrat. URL: http://www.schulz-von-thun.de/index.php?article_id=71. (Abruf am 2.01.2015).
- 7.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 2 бўлим. 5 боб. 18-модда.
- 8.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 1-бўлим, 1-боб, 4-модда; 2-боб, 13-модда; 6-боб, 23-модда; 11- боб, 48-модда.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)